

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53407-4.01

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**БАНК ИШИ
фанидан
ДАСТУР**

Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"

таълим соҳасидаги 5340700 - "Банк иши"

бакалавриат йўналиши учун

Тошкент - 2003

Тузувчилар: проф. Абдуллаева Ш.,
к.ўқ. Усмонова Н.

Такризчилар: доц. Норқобилов С.,
доц. Муругова И.

"Банк иши" фани етакчи мутахассислик фанларидан бири бўлиб, унда банклар, уларни ташкил қилиш ва фаолиятини олиб боришнинг меъёрий ва ҳуқуқий соҳалари, тижорат банкларининг ресурслари, пассивлари ва активлари, улар мутаносиблигини таъминлаш, банкларнинг даромадлари ва харажатлари, фойдаси, миждозларни қисқа муддатли ва узок муддатли кредитлаш асослари, банкларнинг кредит, инвестиция портфелларини бошқариш, банк рисклари ва уларни бошқариш билан боғлиқ мавзулар ёритилади.

"Банковское дело" является одним из ведущих профилирующих предметов. В нём освещаются вопросы, связанные с правовой деятельностью коммерческих банков, формированием ресурсной базы, а также строением капитала банка, дается классификация активов, их оптимальные размещение. Большое внимание уделяется вопросам организации кредитного процесса в коммерческих банков: формированию пакета документов, анализу кредитоспособности, порядку выдачи и погашению кредита, мониторингу ссудной задолженности и т.д. Особая роль уделяется управлению рисками. Кроме того, освещаются вопросы организации коммерческой деятельности банков, их регулирование со стороны Центрального банка, организация расчетных операций и т.д.

Banking is one of the favorite professional subject, in which appear the establishment of Bank and the resources of Commercial Banks, suppling the proportion of assets and and Passives, the banks income and revenue,benefit,giving short-term and long-term credit to the customers, managing credit and ivestment partfolio and the management of bank's risks.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

"Банк иши" фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига асосан тасдиқланган Давлат таълим стандартига биноан "Банк иши" фани ўқитилади.

Бозор муносабатлари шароитида банкларда бозор талабларига мос келувчи хизмат турларини татбиқ қилиш, миқозларнинг талаб ва таклифларини ҳисобга олиш, уларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш, янги кредит воситаларини қўллаш, турли кредит институтларини ташкил этиши билан боғлиқ жараёнларини юзага келтирди.

Ўз навбатида, бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг тутган ўрни ҳамда аҳамияти муҳимлиги, банк тизимини такомиллашиб бориши ушбу соҳада юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни тақозо этади.

Шунга кўра, бу фаннинг мақсади ва вазифаси талабаларни банк тизимида мустақил ишлашга тайёрлашдан иборат. Шунингдек, қўйилган масала ечимининг асоси талабаларни фақатгина банк операцияларини ўтказишнинг техник томони билан таништириш бўлиб қолмасдан, балки уларни кредит ҳисоб китоблар механизмининг бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларига асосланган ҳолда олиб боришни ўргатишга қаратилган. Булар бўлажак мутахассисларнинг банкнинг актив ва пассив операцияларни амалга оширишда, амалиётдаги мавжуд камчиликларнинг бартараф этиш йўллари йўлаб топиш, ҳамда банк ишини такомиллаштиришга қарата фаолият олиб боришга асос яратади.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва қўникмасига қўйиладиган талаблар

"Банк иши" фани банк тизими учун иқтисодчи банкирларни тайёрлашда етакчи маҳсус фан ҳисобланади. Унда банк ишининг аниқ масалалари, бозор иқтисодиёти шароитида кредитни ривожлантириш қонуниятлари, кредитнинг асосий тамойиллари асосида хўжалик субъектларини кредитлаш, кредит ресурслари ва кредитларни бошқариш асослари, миқознинг кредитга лаёқатлилиги, ликвидлилиги, тижорат банкларининг ликвидлиги, фойдаси, валюта ва бошқа операцияларини, банкларнинг фоиз сиёсати ва рисклари каби масалалар кўриб чиқилади.

Шундан келиб чиқиб:

- талабалар фанни ўрганиш даврида ҳар бир ўтиладиган мавзу бўйича ўқитувчи томонидан сўраладиган "таянч" ибора, тест саволларига жавоб бериб, тегишли масалани еча олиши;
- ўқиш даврида ёзма назорат ишларини бажариши ва рефератлар тайёрлаши;
- фанни ўзлаштириш натижасида ва келажакда талаба банк фаолиятида бўладиган ўзгаришларни таҳлил қилишни билиши лозим.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

"Банк иши" курси институтда ўрганиладиган бошқа иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқдир.

Бу фан "Пул, кредит ва банклар" курсининг назарий жиҳатларига асосланиб банкдаги жараёнларни амалий жиҳатдан ўрганишни давом эттиради.

"Банк иши" фанини чуқур ва мукамал эгаллаб олиш учун талабалар қуйидаги фанлар бўйича билимлар олишлари зарурдир: "Монетар сиёсат ва пул-кредит орқали мувофиқлаштириш", "Банк аудити", "Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника", "Иқтисодий таҳлил", "Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш", "Банк менежменти ва маркетинги" ва бошқалар.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

Талабалар ўқиш жараёнида компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда баъзи тижорат банклар фаолиятида қўлланиладиган мижозларни кредитлаш ва лойиҳаларни молиялаштириш, хўжалик субъектлари ўртасида ҳисоб-китобларни олиб бориш билан боғлиқ компьютер дастурлари билан танишадилар. Фаннинг баъзи мавзуларини ёритишда аудио ва видео техникадан фойдаланилади.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

Талабалар Республика тижорат ва ўқув банкларида сайёр дарслар ўтиб, банк иши бўйича назарий билимларини амалиёт билан боғлаб ўрганиб борадилар. Фанни ўрганиш 6, 7 ва 8-семестрларни ўз ичига олади ва у таркибий жиҳатдан маъруза, амалий дарслар назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш даврларидан иборат.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур фанга 276 соат ҳажмда вақт ажратилган. Шундан 92 соати маъруза, 92 соати амалий машғулотлар. Бундан ташқари, мустақил таълимга 92 соат ҳажмида вақт ажратилган. Банк иши фанидан олган билимлар талабаларнинг олий ўқув юртини тамомлаганидан сўнг, кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда замонавий

иқтисодиётга доир адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида ҳам кўл келади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Банк иши фаннинг мақсади ва вазифалари

Фаннинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.

Бозор иқтисодиётига ўтишда курснинг мақсади ва вазифалари.

Банклар ва Ўзбекистон Республикаси банк тизими

Банклар, банк тизими ва унинг ривожланиш босқичлари. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вазифалари ва функциялари.* Тижорат банклари ва уларнинг ташкилий тузилиши.

Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари

Тижорат банкларини ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий асослари. Тижорат банклари фаолиятининг тамойиллари. Тижорат банклари фаолиятининг иқтисодий асослари. Бухгалтерия баланси ва унинг тавсифи. Тижорат банкларининг функциялари.

Тижорат банкларининг ресурслари ва банк капитали

Тижорат банкларининг ресурслари, уларнинг таркиби ва тавсифи. *Тижорат банкларининг ўз маблағлари.* Тижорат банкининг капитали ва унинг таркиби. *Жалб қилинган маблағлар.* Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш тартиби. Тижорат банкларининг Марказий банк билан алоқаси.

Банк активлари, уларнинг таркиби ва сифати

Банк активлари, уларнинг моҳияти ва таркиби. Банк активларининг сифати даражаси. Рискга тортилган активлар. Банк активларини даромад келтириш бўйича таснифлаш.

Тижорат банкларининг даромадлари ва фойдасини шакллантириш

Тижорат банкларининг даромадлари ва уларнинг туркиумланиши. Тижорат банкларининг фоизли ва фоизсиз даромадлари. Тижорат банкларининг харажатлари ва уларнинг таркиби. Тижорат банкларининг фоизли ва фоизсиз харажатлари. Операцион харажатлар. *Тижорат банкларининг фойдаси ва уни ҳисоблаш.* Тижорат банкларининг даромадини тақсимлаш.

Тижорат банкларининг тўловга лаёқатлилиги ва ликвидлилиги

Тижорат банкларининг тўловга лаёқатлилиги ва ликвидлилиги ҳақида тушунча. *Тижорат банкларининг ликвидлик кўрсаткичлари. Ўзбекистон тижорат банкларини ликвидлик ҳолати ва уни бошқариши.* Хорижий давлатлар амалиётида тижорат банкларининг ликвидлилигини баҳолаш усуллари. Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқаришнинг банк ликвидлигига таъсири.

Тижорат банкларининг пасив ва актив операциялари

Банкларининг пасив операциялари, уларнинг турлари ва тавсифи. Тижорат банкларининг депозит ва нодепозит операциялари. Тижорат банкларининг кредит потенциали ва унинг пасив операцияларга боғлиқлиги. Тижорат банкларининг актив операциялари.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати

Кредит сиёсати ва унинг моҳияти, мақсад ва вазифалари. *Тижорат банкларининг кредит сиёсати, унинг хусусиятлари ва мезонлари.* Тижорат банклари кредит сиёсатининг бажарилиши устидан назорат.

Айланма маблағлар ва мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш усуллари

Айланма маблағлар тушунчаси ва унинг таркиби. *Айланма маблағларни ташкил этиш манбалари ва кредитнинг роли.* Кредитга лаёқатлилик тушунчаси, уни баҳолашнинг асосий манбалари. Хорижий давлатларда мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиёти. *Мижознинг кредитга лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичлари.* Мижознинг кредитга лаёқатлилигини кўшимча кўрсаткичлари. Кредитга лаёқатлилик кўрсаткичлар асосида кредитлаш масалалари.

Қисқа муддатли кредитлашни ташкил этиш асослари

Кредитлаш шартлари (тамойиллари). Кредит механизми ва унинг элементлари. Кредитлаш объекти ва субъекти. *Кредитлаш усуллари (методлари) Ссуда счетларининг турлари.* Тижорат банкларининг кредит сиёсати ва унинг мазмуни. Кредитлардан фойдаланиш жараёни устидан тижорат банкларининг олиб борадиган назорати.

Қисқа муддатли кредитлашни жараёни

Кредит пакетини ташкил қилиш ва унинг таҳлили.

Ссуда ҳисоб варағидан кредит бериш ва қайтариш тартиби. Кредит мониторинги. Кредит шартномаси, унинг мазмуни ва аҳамияти. Кредит

шартномаси бажарилиши устидан назорат ва кўриладиган чоралар. Кредит шартномасини тузиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси.

Кредитнинг таъминланганлиги ва унинг шакллари

Кредитнинг таъминланганлиги тушунчаси ва унинг аҳамияти. Таъминланганликнинг шакллари. Кредитнинг қайтарилишида гаровнинг ўрни. Кафиллик ва кафолат. Банк кафолати ва унинг турлари. Таъминланганликнинг бошқа шакллари.

Алоҳида кредит турлари

Алоҳида счетдан кредитлаш асослари: кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш. Кредит линиясини очмасдан кредитлаш.

Контокоррент счетидан кредитлаш. Овердрафт бўйича кредитлаш. Ломбард кредит ва ундан фойдаланиш имкониятлари. Истеъмол кредити ва унинг аҳамияти. *Ипотека кредити ва ундан фойдаланиш имконияти.* Иқтисодиёт тармоқларини кредитлашнинг хусусиятлари.

Кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш

Кичик ва ўрта бизнес ҳақида тушунча ва унинг Республика иқтисодиётидаги ўрни. Кичик ва ўрта бизнесни кредитлашни ташкил қилиш асослари. Халқаро молия ташкилотлари ва нобюджет жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш. *Кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва тадбиркорликни микрокредитлаш. Оилавий тадбиркорликни кредитлаш қоидалари.*

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги

Ўзбекистон Республикасида инвестиция дастури ва унинг йўналишлари. Инвестицион лойиҳа, унинг моҳияти ва турлари. *Инвестицион лойиҳаларни баҳолаш ва таҳлил этиши.* Лойиҳаларни молиялаштириш манбалари. Лойиҳалар мониторинги ва уларнинг турлари.

Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва банкларро вакиллик муносабатлари

Нақд пулсиз ҳисоб китобларни ташкил қилиш асослари. Депозит, ссуда ва бошқа ҳисоб варақлари. Тўловлар навбати. Тўлов топшириқномаси, аккредитив, инкасса бўйича ҳисоб-китоби. Нақд пулсиз ҳисоб китоблар устидан банк назорати.

Тижорат банкларининг факторинг ва лизинг операциялари

Тижорат банкининг факторинг операциялари ва уларнинг моҳияти. Факторинг операцияларининг турлари. *Факторинг операцияларини ўтказиш тартиби.* Лизинг

операциялари ва уларнинг моҳияти. Лизинг операцияларини ўтказиш тартиби ва улар билан боғлиқ рисклари. Банкларнинг форфейтинг операциялари. Факторинг ва форфейтингнинг фарқлари. Банкларнинг ипотека операциялари.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари

Қимматли қоғоз тушунчаси ва унинг турлари. Қимматли қоғозлар бозори ва унинг иштирокчилари. *Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг қимматли қоғозлар билан операциялари.* Қимматли қоғозларнинг баланс ва нобаланс операциялари. Фонд биржалари ва унда қимматли қоғозлар билан операциялар.

Тижорат банкларининг валюта операциялари

Валюта ва валюта курси тушунчаси. *Валюта операцияларини ташкил этишининг ҳуқуқий асослари.* Валюта операцияларини амалга оширишнинг тартиби ва унинг хусусиятлари.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати

Кредит учун фоиз тушунчаси. *Кредит нархи. Фоиз ставкаларининг турлари.* Тижорат банклари фоиз сиёсати. Маржа ва унинг ҳисобланиши.

Банк рисклари ва уларнинг турлари

Банк rischi тушунчаси ва унинг турлари. Кредит rischi ва уни ҳисоблаш йўллари. Банк рискларини бошқариш масалалари. Тижорат банкнинг кредит портфелининг сифат жиҳатдан таҳлили ва унинг кредит рискларини минималлаштиришдаги ўрни.

Банкнинг янги хизматлари ва инновацион молиявий инструментлари

Пластик карточкалар ва уларни қўллаш зарурияти. Қимматликларни сақлаш. Банкларнинг форфейтинг операциялари Опционлар, фьючерслар, своп операциялари. Мижозларга иш жойида ва уйида хизмат кўрсатиш.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАВЗУЛАРИ

Банклар ва Ўзбекистон Республикаси банк тизими

Банклар фаолияти ҳақида тушунча. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва унинг ривожланиш босқичлари. Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг вазифалари ва функциялари. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг турлари, вазифалари ва уларнинг функциялари*. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жаҳон молия бозоридаги ўрни.

Тижорат банклари ва улар фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларини ташкил этиш бўйича асосий талаблари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари капитали етарлилигига қўйилган талаблар. Тижорат банкларининг операциялари. Тижорат банкларининг устав ва бошқа фондларини яратиш. Маблағларни тақсимлаш ва уларни шакллантириш манбалари. Тижорат банкларини тугатишнинг ҳуқуқий асослари.

Тижорат банкларининг ресурслари ва банк капитали

Тижорат банкларининг ресурслари ва уларни иқтисодий моҳияти. Тижорат банклари ресурсларининг таркиби ва тавсифи. Тижорат банкларининг ўз маблағлари*. Банк устав капитали ва унинг таркиби. Резерв фонди ва унинг зарурияти. Жалб қилинган маблағлари*. Тижорат банкларининг ресурсларини кўпайтириш йўллари. Тижорат банкларининг Марказий банк билан алоқаси.

Банк активлари, уларнинг таркиби ва сифати

Банк активларининг таркибий тузилиши ва унинг аҳамияти. Банкнинг даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активлари. Рискли ва рисксиз активлар. Активлар сифатини таснифлаш ва улар бўйича захиралар яратиш. Банк активларининг сифат даражаси ва уларнинг таҳлили*.

Тижорат банкларининг даромадлари ва фойдасини шакллантириш

Тижорат банкларининг даромадлари. Фоизли даромадлар ва фоизсиз даромадлар. Тижорат банкларининг харажатлари. Тижорат банкларининг фойдаси ва уни ҳисоблаш*. Тижорат банкларининг соф фойдаси. Тижорат банклари даромадларининг банк ликвидлилигини таъминлашдаги ўрни. Мавзу бўйича масалалар ечиш.

Тижорат банкларининг тўловга лаёқатлилиги ва ликвидлилиги

Банкларнинг тўловга лаёқатлилиги ва ликвидлилиги ҳақида тушунча ва унга таъсир этувчи омиллар. Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг ликвидлик ҳолати ва уни бошқаришга қўйилган талаблар. Тижорат банкларининг ликвидлик кўрсаткичлари ва уларнинг ҳолати*. Жаҳон амалиётида тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришда САМЕЛ тизими ва уни Ўзбекистон Республикаси банкларида қўлланилиши. Мижозни кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларини тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсири. Хорижий давлатлар амалиётида банкларнинг ликвидлилигини баҳолаш. Масалалар ечиш.

Тижорат банкларининг пассив ва актив операциялари

Тижорат банкларининг пассив операциялари кўлами. Пассив операцияларининг шакллари ва уларнинг тавсифи. Депозит ва нодепозит операциялари*. Тижорат банкларининг актив операциялари ва уларнинг турлари*. Банкларда актив ва пассив операцияларини бошқариш. Ситуацион масала ечиш.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари кредит сиёсатига қўйган талаблари. Тижорат банклари кредит сиёсатининг таркибий тузилиши ва унинг асосий йўналишлари. Кредит сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг мезонлари.* Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит сиёсатининг бажарилишини таъминлашнинг аҳамияти.

Айланма маблағлар ва мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш усуллари

Хўжалик субъектларини айланма маблағлари ҳақида тушунча ва унинг таркибий тузилиши. Айланма маблағларни шакллантириш манбалари. Айланма маблағларни тўлдиришда банк кредитининг тутган ўрни ва уни амалга ошириш тартиби. Айланма маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари. Кредитга лаёқатлилиқ тушунчаси. Мижознинг кредитга лаёқатлилигининг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари, унинг аҳамияти*. Кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари асосида кредитлаш масалалари ечиш.

Қисқа муддатли кредитлашни ташкил этиш асослари

Хўжалик субъектларига тижорат банклари томонидан қисқа муддатли кредитларни беришни ташкил этишни ҳуқуқий асослари. Кредит механизми ва унинг элементлари*. Кредитлаш объекти ва субъекти. Ссуда счетларининг турлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кредит ҳужжатларини юритишга қўйилган талаблар. Кредитлардан фойдаланиш жараёни устидан тижорат банкларининг олиб борадиган назорати. Мавзу бўйича масала ечиш.

Қисқа муддатли кредитлаш жараёни

Тижорат банкларида кредит пакетини тайёрлаш ва унинг таҳлили*.

Ссуда ҳисоб варағидан берилган кредитларни расмийлаштириш ва қайтариш тартиби*. Кредит мониторинги. Тижорат банклари билан мижоз ўртасида кредит шартномасини тузиш тартиби, мазмуни ва унинг аҳамияти. Томонларнинг ҳуқуқий мажбуриятлари. Кредит шартномаси бажарилиши устидан назорат қилиш ва кўриладиган чоралар. Мавзу бўйича масала ечиш.

Кредитнинг таъминланганлиги ва унинг шакллари

Кредитлаш жараёнидаги кредитнинг таъминланганлиги ва унинг моҳияти*. Кредитни таъминоти сифатида гаровнинг тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Тижорат банкларининг кўчмас мулкка қилинган инвестицияларига қўйилган талаблар*. Кредитнинг таъминланганлигини кафиллик, кафолат ва бошқа шакллари.

Алоҳида кредит турлари

Тижорат банклари томонидан алоҳида счётидан кредитлаш тартиби. Мижозларни кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш тартиби*. Кредит линиясини очмасдан кредитлар бериш тартиби. Контокоррент счётидан кредитлаш. Тижорат банкларида овердрафт бўйича кредитлашни амалга ошириш. Ломбард кредитининг ўзига хос хусусиятлари ва ундан фойдаланиш имкониятлари. Истеъмол кредити ва унинг моҳияти*. Ипотека кредитлари ва унинг объектив зарурияти. Иқтисодиёт тармоқларини кредитлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш

Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. Кичик ва ўрта бизнесни мамлакат иқтисодиётидаги тутган ўрни. Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни кредитлашни амалга ошириш тартиби. Кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорлик фаолиятини халқаро молия ташкилотлари ва нобюджет жамғармалари ҳисобидан кредитлаш. Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини, тадбиркорлик фаолиятини микрокредитлаш*. Мавзу бўйича масала ечиш.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги

Ўзбекистон Республикасида инвестиция дастури тузилиши ҳақида тушунча ва унинг йўналишлари. Инвестицион лойиҳа таркиби, турлари ва унга таъсир этувчи омиллар. Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойиҳаларни баҳолаш усуллари ва таҳлил этиш*. Лойиҳаларни молиялаштириш манбалари. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида йирик инвестиция лойиҳаларига синдициялашган кредитларни бериш ва қайтаришни расмийлаштириш тартиби. Лойиҳаларни мониторинг қилиш ва унинг усуллари. Ситуацион масала ечиш.

Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва банклараро вакиллик муносабатлар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан нақд пулсиз ҳисоб китобларни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари. Банклараро вакиллик муносабатлари ўрнатишнинг объектив зарурияти. Тижорат банкларида ягона

вакиллик ҳисоб варағини қўлланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Депозит, ссуда ва бошқа ҳисоб варақларини юритиш тартиби. Тўловлар навбати*. Нақд пулсиз ҳисоб китоблар устидан банк назоратини ўрнатишнинг зарурлиги.

Тижорат банкларининг факторинг ва лизинг операциялари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби. Тижорат банклари факторинг операцияларининг турлари ва унинг аҳамияти*. Банклар томонидан факторинг операцияларини ҳисобини юритилиши. Лизинг операциялари ва уларнинг мазмуни. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан молиявий лизинг операцияларини ўтказиш тартиби* ва улар билан боғлиқ рисклар. Тижорат банклари томонидан факторинг ва лизинг операциялари устидан банк назоратини амалга оширилиши.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари

Қимматли қоғозлар тушунчаси ва унинг турлари. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга қўйилган талаблар. Қимматли қоғозлар бозори ва унинг иштирокчилари*. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг қимматли қоғозлар билан операциялари. Банк томонидан қимматли қоғозларга қўйилмаларни амалга оширишдаги чекловлар. Қимматли қоғозларнинг баланс ва нобаланс операциялари.

Тижорат банкларининг валюта операциялари

Валюта ва валюта курси ҳақида тушунча. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валюта операцияларини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби. Тижорат банклари томонидан валюта операцияларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. Валюта арбитражини ўтказишдан кўзланган мақсад. Валюта операцияларини турлари (своп, спот, форвард ва бошқалар) ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Валюта ҳолати ҳақида тушунча. Ситуацион масала ечиш.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати

Тижорат банклари фаолиятида кредит учун фоиз тушунчаси. Кредит нархи. Фоиз ставкалари ва унинг турлари. Банкларнинг кредит ва депозитлари бўйича фоиз ҳисоблаш тартиби. Тижорат банклари фоиз сиёсати*. Маржа ва унинг ҳисобланиши*. Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида тушунча ва уни амалга ошириш тартиби. Масалалар ечиш.

Банк рисклари ва уларнинг турлари

Банк фаолиятида риск тушунчаси ва унинг турлари. Кредит rischi, фоиз rischi, валюта rischi, инфляция rischi, пассив ва активлар rischi. Кредит rischi ва уни ҳисоблаш усуллари*. Тижорат банклари томонидан рискларни бошқариш* йўллари ва унинг аҳамияти. Тижорат банкининг кредит портфелининг сифат жиҳатдан таҳлили ва уни диверсификациялаш. Иш ўйини, ситуацион масала ечиш.

Банкнинг янги хизматлари ва инновацион молиявий инструментлари

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан банкнинг янги хизмат турларини ташкил этилиши ва унинг йўналишлари. Пластик карточкалар ҳақида тушунча ва унинг тарихи. Ўзбекистон Республикасида пластик карточкаларни қўллаш тартиби, турлари ва унинг зарурияти*. Тижорат банкларида қимматликларни сақлаш. Банкларнинг форфейтинг операциялари. Опционлар, фьючерслар, своп операциялари. Мижозларга иш жойида ва уйида хизмат кўрсатиш.

Курс иши ва битирув малакавий ишлари мавзулари рўйхати

1. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш орқали нотўловларни қисқартириш
2. Эмиссия касса операцияларининг ташкил этилиши ва ҳисоби
3. Банк ички назорати, унинг ташкил этилиши ва аҳамияти
4. Банк тизимида янги технологиялар қўлланилиши ва уларнинг аҳамияти
5. Банк ҳисобварағи бўйича шартнома, унинг тузилиши ва аҳамияти
6. Капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва унинг самарадорлиги
7. Узоқ муддатли кредитлаш операциялари ва уларнинг ҳисоби
8. Банк даромадлари ва уларни кўпайтириш йўллари
9. Давлат бюджети ва унинг кассавий ижроси бўйича операциялари
10. Марказий банкнинг ҳукумат билан муносабати ва унинг зарурий асослари
11. Банк ва мижозларнинг шерикчилик муносабатлари ва уларни мустаҳкамлаш
12. Банкларда ҳисоб-операцион ишларининг ташкил этилиши ва уларни такомиллаштириш йўллари
13. Банк харажатлари, уларнинг структураси ва ҳисоби
14. Банк устав капитали, унинг шаклланиши билан боғлиқ операцияларнинг ҳисоби
15. Пластик карточкалар ва уларнинг тўлов тизимидаги ўрни
16. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ипотека кредитининг тутган ўрни ва уни ривожлантириш истикболлари
17. Тижорат банкларини маркетинг стратегияси орқали бошқариш

18. Ўзбекистон Республикасида банкларни хусусийлаштириш ва акциялаштириш орқали банк тизимини ривожлантириш истиқболлари
19. Ломбард кредити. Унинг тавсифи ва уни ривожлантириш
20. Миллий валюта конвертацияси ва уни жорий қилиш йўллари
21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсати, унинг макроиқтисодий аҳамияти
22. Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит ўтказиш тартиби ва унинг аҳамияти
23. Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва уларни тугатиш тартиби
24. Тижорат банкларида кредитлаш жараёни таҳлили
25. Бозор иқтисодиётида молия-кредит сиёсатини тутган ўрни
26. Халқаро транспорт операцияларини кредитлаш масалалари
27. Халқаро молия бозорлардаги операциялар
28. Халқаро кредитнинг баҳоси ва унги таъсир қилувчи омиллар
29. Хеджирлаш, унинг валюта муносабатлари ташкил қилишдаги роли
30. Ўзбекистон Республикаси валюта бозорининг шаклланиши
31. Халқаро факторинг ва форфейтинг ташқи савдони кредитлашнинг нисбатан янги шакллари сифатида
32. Пул алмаштириш шаҳобчалари фаолиятини ташкил қилиш ва такомиллаштириш
33. Ўзбекистонда валюта бозори ва валюта операциялари
34. Банк валюта бозорининг ташкилотчиси сифатида
35. Валюта операцияларининг менеджменти ва уни такомиллаштириш
36. Валюта рискларини суғурталаш
37. Ўзбекистон капиталини чет эл иқтисодиётига қўйиш имкониятлари
38. Экспорт қилинган товарлар ва кўрсатилган ҳужжатлар учун ҳисобларда ҳужжатлаштирилган аккредитив қўллаш
39. Импорт қилинган товарлар ва хизматлар бўйича ҳисобларда ҳужжатлаштирилган аккредитив қўллаш
40. Халқаро ва минтақавий валюта, кредит ва молия институтларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни
41. Халқаро валюта, кредит, молия бозорлари ва унда Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш масалалари
42. Жаҳон олтин бозорлари ва олтин билан операциялари
43. Халқаро валюта, ҳисоб-китоб операцияларида ахборот-технологиялари
44. Европа валюта тизими ва Евроиттифоқининг муаммолари
45. Халқаро тижорат кредити ва уни суғурталаш масалалари
46. Миллий валюта курси ва уни барқарорлаштириш муаммолари

47. Иқтисодиётга чет эл инвестициясини жалб қилиш йўллари
48. Хорижий кредит линиялар ҳисобидан кредитлашнинг хусусиятлари
49. Лойиҳаларни молиялаштиришда чет эл капиталидан фойдаланиш имкониятлари
50. Кичик ва ўрта бизнесни чет эл кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш
51. Кичик ва ўрта бизнесни ички ва ташқи манбалар ҳисобидан кредитлаш
52. Халқаро молия ташкилотларининг кичик ва ўрта бизнесни кредитлашдаги роли
53. Кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини чет эл инвестициясидан молиялаш
54. Кредитлаш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари
55. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсати, унинг макроиқтисодий аҳамияти
56. Тадбиркорлик фаолияти ва кредитнинг роли
57. Пул оқими ва молиявий таҳлил қилишнинг аҳамияти
58. Мижознинг кредитлашда молиявий таҳлилнинг ўрни
59. Хўжалик субъектларини кредитлашни такомиллаштириш йўллари
60. Фьючерс операциялари ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари
61. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда банкларнинг роли
62. Банк капитали ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари
63. Тижорат банклари молиявий ресурслари ва уларни бошқариш усуллари
64. Нобанк муассасалари ва улар фаолиятининг хусусиятлари
65. Тижорат банклари кредит операциялари аудити
66. Мажбурий заҳиралар фондининг ташкил этилиши ва ишлатилиши
67. Касса айланишининг тахминий ҳисоб-китобларини тузишни ташкил қилиш
68. Диверсификация ва уни банк фаолиятида қўллаш
69. Фонд биржаси ва депозитарийлар фаолияти билан банк тизимининг ўзаро ҳамкорлик даражаси ва истиқболлари
70. Қимматли қоғозлар бўйича банк операциялари, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши
71. Ўзбекистон Республикасида уй-жой қурилишини кредитлаш ва унинг истиқболлари
72. Тижорат банкларининг жамғарма операциялари, уларнинг истиқболлари
73. Халқ банки фаолиятининг натижалари, уларни ҳисобини олиб бориш
